

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 811.512.133

ЭРГАШОВА МУҲАЙЁ ВАЛИЖОНОВНА

ЎЗБЕК ТИЛИДА ЛОКУМ ВА ЛОКАЛИЗАЦИЯ МУНОСАБАТИ

10.02.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Тадқиқот Қўқон давлат педагогика институти ўзбек тилшунослиги кафедрасида бажарилган.

Илмий раҳбар –

филология фанлари доктори
НАБИЕВА Дилора Абдуҳамидовна

Расмий оппонентлар:

филология фанлари доктори, профессор
ИСКАНДАРОВА Шарифа Мадалиевна

филология фанлари номзоди
ДАВЛАТОВА Раъно Ҳайдаровна

Етакчи ташкилот –

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси 2011 йил _____ ойининг ____ куни соат ____ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК 015.04.02 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгашнинг мажлисида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 13-уй.)

Автореферат 2011 йил «____» _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий
котиби, филология фанлари
номзоди**

Д.ХУДАЙБЕРГАНОВА

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Юртбошимиз И.А.Каримов она тилимизни асраб-авайлаш, лексик имкониятларини бойитиш, унинг нуфузини янада ошириш ҳақида фикр юритар эканлар, "... Ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиз", – дейдилар¹. Бу фикрлар бугунги ўзбек тилшунослиги олдида тилимизнинг ички тузилишини илмий асосда чуқур ўрганиш, бой имкониятларни юзага чиқариш сингари қатор вазифаларни кўндаланг қилиб қўяди.

Ўзбек тилини ўзаро узвий боғлиқ, бир-бирини тақозо этувчи элементлар муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида эътироф этиш, уни ташкил этган элементларнинг ўзаро горизонтал, бутун билан бўлакнинг эса вертикал муносабатларини илмий асосда ёритиш, ана шу йўл билан тилнинг кўп босқичли мураккаб поғонавий ички тузилишга эга эканлигини очиш бугунги ўзбек тилшунослигининг энг долзарб вазифаларидандир. Лисоний бирликлар субстанцияси тилшунос учун қанчалик муҳим бўлса, улар ўртасидаги муносабат ҳам шунчалик муҳимдир. Шунинг учун системавий тилшунослик асосчилари Ф. де Соссюр ва Л.Ельмслев асарларида лисоний бирликлар ўртасидаги муносабатларни ўрганишга асосий эътибор қаратилади. Муносабатлар эса хилма-хилдир. Шу боис ҳам лисоний бирликлар ўртасидаги муносабатларни яхлит тасаввур қилиш учун муносабатлар тизимидаги алоҳида-алоҳида муносабат турларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Ана шундай лисоний муносабатлардан бири макон (локализация) муносабатидир.

Ўзбек тилшунослигида лексик сатҳда локалликнинг ифодаланишига бағишланган монографик тадқиқот мавжуд². Лекин бу тадқиқотда асосий эътибор лексемалар семемасидаги локал семалар ва бу семаларнинг тил лексик системасидаги система ҳосил қилиш (интегратив) вазифасини очишга қаратилган.

Муайян лисоний белги таркибида 'макон' семаси бўлиши билан бирга, шу семалар асосида юзага чиқадиган икки ва ундан ортиқ лисоний бирликлар ўртасидаги макон муносабати ҳам мавжудки, бундай муносабат лисоний бирликлар ўртасидаги парадигматик муносабат орқали эмас, балки синтагматик муносабат орқали юзага чиқади. Демак, лисоний бирликлар мазмуний мундарижасида мавжуд бўлган 'макон' семасини парадигматик аспектда ўрганиш ва унинг интегратив вазифасини очиш қанчалик муҳим бўлса, лисоний бирликлар ўртасидаги макон муносабатини синтагматик аспектда ўрганиш ҳам шунчалик аҳамиятлидир.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 87.

² Курбонова Б. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 2007. – 107 б.

Гарчи бошқа тилларда макон муносабатининг ифодаланиши муаммоси докторлик ёки номзодлик диссертациялари объектлари бўлган бўлса ҳам¹, лекин шу кунга қадар бу муносабат ўзбек тилшунослигида монографик тадқиқот объекти бўлганича йўқ. Бу эса танланган мавзунинг бугунги ўзбек тилшунослиги учун долзарб эканлигини кўрсатади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш томони ўзаро диалектик муносабатда бўлса ҳам, лекин узоқ йиллар мобайнида тилшунослар унинг ифодаловчи томонини ўрганишга асосий эътиборни қаратдилар.

Макон мазмуний майдон элементлари ўзаро парадигматик муносабатда бўлиб, парадигма аъзолари ‘макон’ бирлаштирувчи интеграл семаси асосида бирлашади. Ҳар бир парадигма аъзосида ана шу бирлаштирувчи сема такрорланади. Ўзбек тилида ана шу бирлаштирувчи сема асосида бирлашган лингвистик бирликларни ва уларнинг ҳар қайсисининг ўзига хос фарқловчи белгиларини аниқлаш ўзбек тилшунослиги олдидаги муҳим вазифалардан бири эди. Бу вазифа Б.Қурбонова томонидан номзодлик диссертацияси мақомида бажарилди².

Ўзбек тилшунослигида лингвистик бирликларни мазмуний майдон асосида ўрганишда Б.Қ.Қурбонованинг монографик тадқиқоти муҳим аҳамиятга эга бўлди. У ‘локаллик’ майдони юзасидан қимматли фикрлар баён қилди. Диссертантнинг асосий эътибори фонетик ва лексик бирликлар орқали локалликнинг ифодаланишини тадқиқ қилишга қаратилган бўлиб, грамматик (морфологик ва синтактик) сатҳда локалликнинг ифодаланиши тадқиқот доирасига кирмай қолган эди.

Макон бирлаштирувчи семаси асосида бирлашган лисоний бирликлар битта синф доирасида ўзаро парадигматик муносабатда бўлиши билан бирга, бошқа лисоний бирликлар билан синтагматик муносабатга ҳам киришади.

‘Макон’ семали лисоний бирликлар худди шундай семага эга бўлган лисоний бирликлар билан синтагматик муносабатга киришади. Синтагматика қонунияти синтагматик муносабатга киришувчи ҳар икки аъзода семик уйғунликнинг бўлишини талаб қилади. ‘Макон’ семали лингвистик бирликларнинг синтагматик муносабатида ана шундай уйғунлаштирувчи сема сифатида макон семаси хизмат қилади. Ана шу сема асосида синтагматик муносабатга киришувчи ҳар икки аъзо бирикма ёки қўшма гап мақомида воқеланади. Ҳар икки турдаги воқеланишда ҳам ўзаро синтагматик муносабатга киришувчи аъзолар тобе ва ҳоким қисмга бўлинади. Тобе қисм ҳоким қисмнинг макон валентлигини намоён қилади.

Ўзбек тилшунослигида ҳозиргача ‘макон’ семали лингвистик бирликлар синтагматик нуқтаи назардан ўрганилган эмас.

¹ Бояров А.П. Глагольные словосочетания с пространственным значением в современном русском литературном языке: Автореф.дис. ... канд. филол. наук. – М., 1995; Владимирский Е.Ю. Система предложно-падежных конструкций с пространственным значением в современном русском языке: Дис. канд. филол. наук. – М., 1972.

² Қурбонова Б.Қ. Локаллик ва унинг ўзбек тилида ифодаланиши: Филол.фанлари номзоди ... дисс. – Тошкент, 2007. –107 б.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси ҚўқонДПИ ўзбек тилшунослиги кафедрасининг “Ўзбек тилининг атомар тадқиқи муаммолари” номли илмий ишлар режасида акс этган. Бу мавзу Андижон давлат университети тилшунослик кафедрасининг “Ўзбек тилининг системавий тадқиқи” номли илмий муаммоси таркибига киради. Мазкур мавзу Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги тилшунослик бўйича республика Мувофиқлаштирувчи кенгашида 2007 йил 27 декабрь 3-сонли қарор билан тасдиқланган.

Тадқиқот мақсади. Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади ўзбек тилида лисоний бирликлар ўртасидаги макон муносабатини ёритиш ва бу муносабатни юзага чиқарувчи воситаларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Юқоридаги мақсаддан келиб чиққан ҳолда тадқиқот олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

- синтагматик муносабатни юзага чиқаришда макон семасининг ролини белгилаш;
- локум ва локализация тушунчаларини аниқлаш;
- локализация муносабатини юзага чиқарувчи воситаларни аниқлаш;
- локализация муносабатини юзага чиқарувчи воситалар дистрибуциясини аниқлаш;
- ўзаро дистрибутив муносабатда бўлган воситаларнинг мазмуний фарқли жиҳатларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Диссертациянинг тадқиқ объекти ҳозирги ўзбек тилидаги локализация муносабатини юзага чиқарувчи лингвистик воситалар саналади. Бу муносабатларни ёритишда ҳозирги ўзбек бадиий адабиёти, вақтли матбуот тилидан ҳамда 5 жилдли “Ўзбек тилининг изохли луғати”дан фойдаланилди.

Тадқиқот методлари. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг маънавий мерос, миллий қадриятларга бағишланган қатор асарлари, шунингдек, оламнинг ўсишда, ривожланишда эканини эътироф этувчи диалектик фалсафа ҳамда фалсафанинг янги йўналиши бўлган синергетика таълимоти тадқиқотнинг методологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Бу мавзунини ёритишда тавсифий, дистрибутив компонент, трансформацион таҳлил методларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- лексемалар макон валентлигининг воқеланишини кўрсатиш;
- локум ва локализация муносабатини белгилаш;
- локализация муносабатини юзага чиқарувчи воситаларни аниқлаш;
- локализация муносабатини юзага чиқарувчи воситалар дистрибуцияси асосида макон муносабатини билдирувчи трансформаларни белгилаш.

Илмий янгилиги. Тадқиқотда қуйидаги янгиликлар қўлга киритилди:

- синтагматик муносабатни юзага чиқаришда ‘макон’ семасининг роли белгиланди;
- локум ва локализация муносабати тушунчаси ўзбек тилшунослигига олиб кирилди;

- ўзбек тилида локум ва локализация муносабатини юзага чиқарувчи воситалар аниқланди;
- локализация муносабатини юзага чиқарувчи воситалар дистрибуцияси аниқланди;
- ўзаро дистрибутив муносабатда бўлган локумларнинг мазмуний фарқли жиҳатлари ёритилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот ўзбек тилида локум ва локализация муносабатини ҳамда ўзбек тили структур бирликларини концептуал нуқтаи назардан ўрганишда муҳим назарий аҳамиятга эга. Унда ўзбек тилидаги локал семали лингвистик бирликларнинг синтагматик муносабати чуқур таҳлил қилинди.

Диссертациянинг материаллари ва хулосалари дарслик ва қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари учун тилнинг системавий табиати, локум ва локализация муносабати билан боғлиқ махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мазкур тадқиқот натижалари муаллифнинг Қўқон давлат педагогика институти бакалавр ва магистрлари учун “Ҳозирги ўзбек адабий тили” фанидан тузган маъруза ва амалий машғулот ишланмаларида ўз аксини топган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот мазмуни юзасидан Қўқон давлат педагогика институтида “Единицы уровней и межуровневых ярусов структуры языка на синтагматической осе высказывания и их презентация в студенческой аудитории” (Коканд, 2004), Фарғона давлат университетида “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари” (Фарғона, 2005), Қўқон давлат педагогика институтида “Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари атомар тадқиқ аспектида” (Қўқон, 2006), Наманган давлат университетида “Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари” (Наманган, 2006), Андижон давлат чет тиллар институтида “Фан, таълим, жамият” (Андижон, 2006), Қўқон давлат педагогика институтида “Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда педагогика институтларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишнинг долзарб муаммолари” (Қўқон, 2006), “Талабаларнинг илмий ижодий фаолиятини ташкил этиш: муаммо ва ечимлар” (Қўқон, 2010), Низомий номидаги ТДПУда “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” (Тошкент, 2010) мавзуларида ўтказилган республика илмий анжуманларида маърузалар қилинган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқотнинг асосий мазмуни 2 журнал мақоласи, 1 чет эл журнал мақоласи ва республика миқёсида нашр этилган илмий тўпламлардаги 16 тезисда акс этган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, 3 боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан иборат бўлиб, 150 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг “Кириш” қисмида оламнинг лисоний манзараси, майдон назарияси ва локативлик майдони, ‘макон’ семаси, унинг турли сатҳларда намоён бўлиши каби ҳодисалар ҳақида фикр юритилади.

Диссертациянинг биринчи боби “**Локумлар парадигматикаси**” деб номланади. Бобнинг дастлабки қисмида “**Локализация муносабати**” борасида сўз юритилади.

Локализация муносабатини ифодаловчи воситалар тизимини айрим тадқиқотчилар **лексик-семантик категория** ҳисоблайдилар.¹ Бу категорияга мансуб бирликлар ҳам худди бошқа лексик-грамматик категориялар сингари шакл ва мазмун бирлигидан иборат бўлади.

Локализация муносабати, умуман олганда, маълум предмет, ҳаракат (воқеа-ҳодиса, белги-хусусият)нинг маълум маконга мўлжал (ориентир) орқали жойлашишини ифодалайди. Бу муносабатда В.М.Всеголодова томонидан тавсия этилган локум тушунчаси марказий ўринни эгаллайди. Предметнинг локум билан муносабатини ифодалаш **локализация** ҳисобланади. Масалан: *Шаҳарнинг жануб томонидан дарё оқади*. Бу гапда уч аъзо мавжуд бўлиб, биринчи аъзо *оқмоқ* ҳаракати, иккинчи аъзо *оқиш* ҳаракати субъекти – *дарё*, учинчи аъзо – *шаҳарнинг жануб томони* - локум саналади. Локум деганда, маълум бир предмет (ҳаракат, белги)нинг жойлашган ўрнини аниқлаш учун восита бўлган макон ёки предмет тушунилади.

Шундай қилиб, **локум** – бу лексема сифатидаги исмлар орқали номланган макон (*ўрмон, шаҳар, дала* каби)дир. Исмларнинг шакли эса маконга муносабатнинг характерини локумнинг ичи, ташқариси, ёни сингари маъно муносабатларини ифодалайди. Масалан: *Бугдойзор ичидан юрмоқ – Бугдойзор бўйлаб юрмоқ – Бугдойзорга қараб юрмоқ*.

Локализация муносабати муайян ҳаракат-ҳолат, белги-хусусиятнинг макон тушунчаси билан муносабатини ифодалайди. Яъни объектив борликда мавжуд бўлган нарса ва ҳодисалар, ҳаракат- ҳолат, белги-хусусиятлар билан унинг ўрнашган жойи ўртасидаги муносабатнинг онгимизда акс этган умумлашган образининг муайян лингвистик воситалар орқали ифодаланиши **локализация муносабати** саналади.

Локализация муносабатини ифодаловчи отли бирикмаларда локум предметнинг ўрин белгисини билдиради ва қаерда? сўроғига жавоб бўлади. Масалан: *Осмондаги самолёт, қанотингни пастлаб ўт*. (Қўшиқ) *Уйдаги гап кўчага тўғри келмас*. (Мақол) Бундай бирикмаларда локум вазифасида келувчи лексеманинг шакли эмас, балки семантик тузилишидаги макон семаси локализация муносабатини юзага чиқаришда хизмат қилади.

Кўринадик, локализация муносабати ҳам мантикий, ҳам грамматик категориядир. Онгда акс этган нарса-ҳодиса, ҳаракат-ҳолат, белги-хусусият

¹ Всеволодова М.В., Владимирский Е.Ю. Способы выражения пространственных отношений в современном русском языке. – М., 1982. – С.6.

билан унинг ўрни ўртасидаги хусусият мантикий муносабат саналса, бу муносабатни ифодаловчи лингвистик бирликлар ўртасидаги муносабат лингвистик муносабат ҳисобланади. Демак, лингвистик макон муносабати денотати мантикий муносабат бўлади. Бошқача айтганда, лингвистик макон муносабатининг пропозицияси тузилиши мантикий макон муносабати саналади.

Биринчи бобнинг иккинчи қисмида **локализация муносабатида грамматик шакллarning ўрни**, яъни локум шакллари ҳақида фикрлар баён этилади. Бундай шакллар локумни грамматик шакклантириш ва уларни боқша сўзларга боғлаш вазифасини бажариш билан бирга, локум семантикасига ҳам таъсир қилади.

Бундай семантик фарқланиш, энг аввало, локум ҳажмини қамраб олиш нуқтаи назаридан намоён бўлади. Локум ҳажмга эга бўлганлиги туфайли, ҳажмнинг турли нуқталари (*ичи, ташқариси, ёни, эни, бўйи* сингари) мавжуд бўлади. Бош келишиқдаги локум умумий ҳажм маъносини билдирса, келишиқли ва кўмакчили шакллар локум ҳажмини чегаралайди. Демак, локумга қўшилган келишиқ шакллари ва кўмакчилар локум умумийлиги асосида бир парадигмани ташкил қилади. Бунда бош келишиқ шакли локум ҳажмининг парадигмасида нейтрал маънони ифодалайди. Масалан: *Осмон боягина феруза ишиадек тип-тиниқ эди, ҳозир эса найзага келган қуёш тафтида бамисоли тандирдек ёнар, Азиз анҳор лабидаги тарвақайлаб ўсган кекса жийда тагида ёнбошлаб, уйдан келтирган бир ишиа қатигини нон билан тамадди қиляпти.* (У.Усмонов. “Гирдоб”)

Биринчи бобнинг учинчи қисми “**Йўналма ҳаракат феълларининг локализация муносабати**” деб номланиб, унда йўналма ҳаракат феълларининг ўрин актанти ҳақидаги фикрлар баён қилинади.

Йўналма ҳаракат феъллари (ЙҲФ) субъектнинг бир нуқтадан иккинчи нуқтага йўналиш ҳаракатини билдирар экан, бундай феълларда учта ўрин актанти мавжуд бўлади: **1) ҳаракатнинг чиқиш ўрни; 2) ҳаракатнинг умумий йўналиш ўрни; 3) ҳаракат йўналишининг чегара ўрни.**

ЙҲФнинг умумий грамматик семаси ҳаракатнинг йўналиши бўлганлиги учун йўналишнинг турли нуқталари (**чиқиш нуқтаси, йўналиш нуқтаси, чегара нуқтаси**) марказий семалар саналади. Демак, ЙҲФ билан локализация муносабатида бўлган объектларда, албатта, юқоридаги семалардан биттаси мавжуд бўлади.

ЙҲФдан бошқа феълларнинг локал валентлигини тўлдирувчи актантлар, яъни локумлар ҳам локал келишиқлар ва локал семали кўмакчилар ёрдамида ҳоким бўлакка боғланади. Бу грамматик воситалар локум бўлиб келувчи тобе бўлакни ҳоким бўлакка боғлаш вазифасинигина эмас, балки локум билан ҳоким бўлак ўртасидаги локализация муносабатини воқеалантириш учун ҳам хизмат қилади. Масалан: *Дарё бўйидаги кемалар томондан эса карнай ваҳ-ваҳаси, ногораларнинг шодликка тўла така-туми эшитилиб турибди.* (П.Қодиров. “Авлодлар доवони”)

Биринчи бобнинг “**Ҳаракат-ҳолатнинг локум ҳажмини қамраши нуқтаи назаридан турлари**” деб номланган бешинчи қисмида локализация

муносабатини ифодаловчи синтактик курилмаларда ҳоким бўлақдан англашилган ҳаракат-ҳолат локум ҳажмини турлича қамраши мумкинлиги ҳақида фикр юритилади.

Ҳоким бўлақдан англашилган ҳаракатнинг локум ҳажмини қамраб олиш белгиси ҳам дифференциал белги саналади ва локализация муносабатини муайян гуруҳларга ажратишда асос бўлиб хизмат қилади. Бу нуқтаи назардан предмет (ҳаракат-ҳолат) билан локум ўртасидаги локализация муносабатини икки гуруҳга ажратиш мумкин: **1) локумга ёндош муносабат; 2) локумдош муносабат.**

Биринчи бобнинг олтинчи қисмида **локумга ёндош муносабат, локумдош муносабат ва локумда квантитативлик белгиси** ҳақида фикрлар берилади.

Предмет (ҳаракат-ҳолат) локум ифодалаган макон чегарасига дахлдор бўлган муносабат **локумга ёндош муносабат** саналади. Бундай муносабат **локум+бўйлаб+v, локум+жўналиш келишиги+қараб+v (томон), локум+бош келишиги+томон (сари)+v, локум+ёни+чиқиш келишиги (жўналиш келишиги)+v** моделидаги синтактик курилмалар орқали ифодаланади. Масалан: *Бу орада мавқаб дарё бўйидаги подшо боғига яқинлашди. Ҳумоюн бошлиқ аҳли давлат боғнинг улкан дарвозасидан ичкарига кира бошлади.* (П.Қодиров. “Авлодлар давони”) *Азиз шиддат билан ўрнидан туриб, тагин сал юқориқроққа, қақраб ётган ариқ бўйига кўтарилди.* (Ў.Усмонов. “Гирдоб”)

Юқорида кўрсатилган моделларни воқелантирувчи синтактик курилмалар бир умумий маъно, яъни ҳоким бўлақдан англашилган ҳаракат-ҳолат билан тобе қисм ифодалаган локум ўртасида **“локум ифодалаган ҳажмини қопламаслик, шу ҳажмга ёндошлик”** маъносини ифодалайди. Ана шу маъно бундай курилмаларни бир семантик парадигмага бирлаштириш учун асос бўлади.

Ушбу қисмда **локумдош муносабат** ҳақида ҳам сўз боради.

Ҳоким бўлақдан англашилган ҳаракат-ҳолат қисман ёки тўла тушган локумни билдирган синтактик курилмалар муносабати **локумдош муносабат** саналади. Бундай муносабат локум ҳажмини тўла қоплаш ёки қопламаслик белгисига кўра икки хил бўлади: **1) локум ҳажмини қисман қоплайдиган муносабат; 2) локум ҳажмини тўла қамраб оладиган муносабат.**

Биринчи муносабатда ҳоким қисм ифодалаган ҳаракат-ҳолат локумнинг бир қисмига – ё ўртасига, ё четига дахлдор бўлади. Ҳоким қисм орқали ифодаланган ҳаракат-ҳолатнинг локум ҳажмини қай даражада қамраб олишини ифодаловчи махсус грамматик кўрсаткичлар (маркерлар) мавжуд бўлади.

Ҳоким бўлақдан англашилган ҳаракат локум ҳажмини тўла қамраб олиши мумкин. Бу маънони ифодалашда кўпинча *бутун, барча, ҳамма* сингари лексемалар ва бош ҳамда ўрин келишиги ёрдам беради. Масалан: *Нариги пайкал четидан ўтган ариқ қақраб ётар, ўнгга бурилган жойидаги тўй қозонидек ҳовузчада эса, ҳовучгина кўлмак сув ялтиллаб турар эди.* (М.Исмоилий. “Фарғона тонг отгунча”) *Шунингдек, бўйлаб, узра, ичра*

сингари кўмакчилар ҳам локум таркибида келиб, ҳоким бўлақдан англашилган ҳаракат-ҳолатнинг локум ҳажмини тўла қамраб олишини ифодалайди. Масалан: *Қишлоқ бўйлаб (узра, ичра) гап тарқалди.*

Биринчи бобнинг “**Локумда квантитативлик белгиси**” деб номланган қисмида локативлик ифодалашда иштирок этувчи нумеративлар ҳақида фикрлар баён этилади.

Локализация муносабатида локум квантитатив белгига ҳам эга бўлади. Локумнинг квантитатив белгисини ифодалашда бир қатор нумеративлар қўлланилади. Масалан, масофа билдирувчи локумларнинг квантитатив белгисини билдириш учун **километр, метр, тош, чақирим** нумеративлари қўлланилади.

Айни пайтда ҳоким қисмнинг лексик маъноси ҳам юқоридаги умумий маънонинг ифодаланишига ёрдам беради. Хусусан, локум+дан+v, локум+қаратқич келишига+чети (*ичи, усти, ости*+қаратқич келишиги)+ v моделидаги синтактик қурилмаларда ана шундай мазмуний муносабат воқеланади. Масалан: *Кечки дим ҳавода ўйиннинг тафти қўшилиб, Ҳамида бону бўғриқиб кетган, қора қошларининг устида тер мунчоқлари йилтирар эди.* (П.Қодиров. “Авлодлар довои”)

Биринчи бобнинг еттинчи қисми “**Локумларнинг сўз туркумларига муносабати**” деб номланиб, унда ўрин билдирувчи отлар, сифатлар ва равишлар борасида фикрлар баён этилади.

Локалик белгиси тилнинг турли сатҳларида ўзига хос тарзда намоён бўлади. Бу жиҳатдан қуйи сатҳ (фонологик сатҳ) бирликлари билан юқори сатҳ (морфемик, лексик, морфологик, синтактик сатҳ) бирликларида мавжуд бўлган локалик бир-биридан маълум даражада фарқланади.

Отлар шахс, нарсa, ҳайвон, ўрин-жой сингари микросистемаларга ва бу микросистемаларнинг ўзи яна кичикроқ системаларга қўшилади. Бу микросистемалар ичида ‘ўрин’ семаси асосида ажратиладиган отлар гуруҳи ажралиб туради. ‘Ўрин’ семали отлар **ҳовли, мактаб, овул, ин, уя** сингари туб; **қишлоқ, ўтлоқ, майсазор, лозазор** каби ясама отлар бўлиши мумкин.

‘Ўрин’ семали сифатлар предметнинг маълум ‘ўрин-жойга хослик’ белгисини билдиради. ‘Ўрин’ семали сифатлар ҳам туб ёки ясама бўлиши мумкин. **Узун, қисқа, яқин** сингари “ўрин” семали сифатлар туб, **пастки, устки, нариги, бериги** сингарилар ясама сифатлар саналади. ‘Ўрин’ семали ясама сифатлар ‘ўрин-жойга мансублик’ маъносини билдирувчи ясовчи воситалар орқали ўрин отларидан ясалади.

Маълумки, ҳаракатнинг ижро этилиш ўрни, йўналишини кўрсатувчи равишлар ўрин равиши дейилади. Ўрин равишлари **қаерга? қаерда? қаердан?** сўроқларидан бирига жавоб бўлади: **олга, нари (-га, -да), бери (-га, -да)** ва бошқалар.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Локумлар синтагматикаси**” деб аталади ва унинг биринчи қисмида **синтактик алоқа ва синтактик муносабат** ҳақида маълумотлар берилади. Синтактик алоқа билан муносабат бир-бирини тақозо этувчи бир ҳодисанинг икки томони эканлиги, лекин ҳар

иккаласи ўзига хослиги учун бир-бирига мувофиқ келиши шарт эмаслиги ҳақида фикрлар баён қилинган.

Иккинчи бобнинг **“Тилшуносликда валентлик назарияси”** деб номланган иккинчи қисмида лисоний бирликларнинг бирикувчанлик хусусиятлари, яъни валентлик назарияси ҳақида фикрлар билдирилган.

Француз структуралисти Л.Теньернинг янгича талқинида фраза кўп каватли иерархик қурилма сифатида намоён бўлиб, марказга унинг барча **“аъзоларини”** бошқариб турувчи **феъл** кўйилди. Чегара қисмида эса бир-бирига ва охир-оқибат феълга тобеланувчи **грамматик элементлар** жойлашди.

Ж.Фурке ҳам **“Қадимги герман тилларида фраза элементларининг тартиби”** ни тадқиқ этар экан, ҳар қандай фразанинг марказида ўз қуршови билан феъл туришини таъкидлайди¹. Бу эса уни Л.Теньер қарашлари билан туташтиради.

Валентлик тушунчасини Л.Теньер феълнинг синтактик таснифи учун қўллайди ва ноль, бир, икки ҳамда уч валентликка эга бўлган феълларни ажратади.

Бир **“иштирокчи”**га эга бўлган бир валентли феъллар бир шахс ёки бир предмет иштирок этаётган жарённи билдиради: *Самарқанд атрофида, Кўҳак тоғининг этагида, уч ошёналик расадхонанинг олд томони ва эшиги кўринади.* (Мақсуд Шайхзода. **“Мирзо Улуғбек”**) *Бир йили дадам мени Шохимардонга олиб борган эди.* (А.Қаҳҳор. **“Ўтмишдан эртаклар”**)

Немис тилшуноси Г.Хельбигнинг фикрича, **“бирор тилнинг сўзлари фақат парадигматик таҳлил қилинмай, балки синтактик таҳлил ҳам қилинади. Чунки улар доимо конкрет нутқ актида, гапда муайян партнёрлари билан бирикади ва алоҳида қўлланмайди. Уларнинг муайян қуршовда, муайян жараёнлари билан бирика олиш имкониятлари тасодифий ва бутунлай эркин эмас. Улар муайян қонуниятларга бўйсунади. Ҳозирда муайян тил бирлигининг бошқаси билан бирикувининг асосий қонуниятлари валентлик тушунчасида бирлашади”**².

Иккинчи бобнинг учинчи қисми **“Ўзбек тилшунослигида валентлик назарияси”** деб номланган.

Ўзбек тилшунослигида ҳам феълларнинг айрим семантик гуруҳлари валентлик табиатини ўрганишга бағишланган тадқиқотлар майдонга келди³.

Тўғри, XX асрга қадар ҳам синтактик тадқиқотларда синтактик бирликлар семантикаси юзасидан муайян фикрлар билдирилган. Хусусан, гапнинг ифода мақсадига кўра турлари (дарак, сўроқ, буйруқ гаплар), гапдан

¹ Fourquet J. L'ordre des elements de la phrase en germanique ancien. Etudes de syntaxe de position. –Paris, 1938.

² Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке. –М., 1978. –С.138.

³ Кучкартаев И. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. - Ташкент: Укитувчи, 1977; Миртожиев М.М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. –Тошкент, 2007; Расулов Р. Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентлиги. – Тошкент: Фан, 1989; Мухаммедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. – Тошкент: Фан, 2005.

англашилган воқеликка сўзловчининг муносабати (модаллик), қўшма гап қисмлари ўртасида мазмуний муносабатларнинг ифодаланиши ва бошқалар.

Шундай бўлишига қарамасдан, гапнинг номинатив аспекти, гап орқали ифодаланган пропозитив структура элементлари, гапнинг актуал тузилиши сингари масалалар назардан четда қолган эди. Гапни шаклий ва мазмуний тузилиш бирликлари муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида эътироф этиш, унинг шаклий ва мазмуний структуралари ўртасидаги симметрик ва асимметрик муносабат, мазмуний тузилишнинг ички элементлари сингари масалалар структур-семантик йўналишдаги синтаксиснинг ўрганиш объектига айланди.

Структур семантика лисоний birlikларнинг ички мазмуний тузилишини узларга парчалаб ўрганиш, семик тузилишини аниқлаш билан бирга, уларнинг бошқа лисоний birlikлар билан мазмуний боғланиш имконияти ва бу имкониятнинг қандай воқеланишини ҳам ўрганади. Лингвистик семантиканинг кейинги вазифаси синтактик семантика орқали амалга ошади.

Р.Расулов “Ўзбек тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари” монографиясида ҳолат феълларининг **агенс, локалис ва объект** валентликларини ёритган бўлса, С.Муҳаммедова эса “Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги” деб номланган монографиясида ҳаракат феълларининг **агенс, пациенс, локалис, эмотив** валентликларига тўхталган.

Иккинчи бобнинг “**Феълларнинг ўрин валентлиги**” деб номланувчи тўртинчи қисмида ҳолат ва ҳаракат феълларининг локал валентлиги ҳақида фикрлар баён этилган.

Ўзбек тилшуноси А.Нурмонов С.Б.Кибардинанинг “шаклий (синтактик) валентлик мазмуний (семантик) валентликнинг ифодаланиш шаклидир”¹ деган изоҳини келтиради. Тилга оид бўлгани ҳолда мазмун режасини, ифода режасини ўзлаштиради”², деган фикрни ўртага ташлайди. Ўзбек тилшуноси М.М.Миртожиев эса юқоридаги қарашларга ўз фикрини билдириб, “...режа намоён бўлиши эмас, имкониятнинг адо этилишини мўлжалда тутишдир”³, деган изоҳни келтиради.

Ҳолат, ҳаракат феълларининг локалис валентлиги актанти агенс (контрагенса, пациенс)нинг ҳаракати билан бевосита боғлиқ бўлади. У ҳаракат ва ҳолатнинг бажарилиш ўрнини билдиради.

Ҳолат феълларининг ҳам, ҳаракат феълларининг ҳам локалис валентлиги ўзига хос хусусиятларга эга. Айрим ҳаракат ва ҳолат феъллари учун у зарурий ҳисобланса, айримлари учун зарурий эмас. *Ўтирмақ, тунамақ, ухламақ, ёнбошламақ* давомли, *тўхтамақ* ҳаракат натижаси, *салқинламақ, пойламақ* ижро интеграл семали ҳолат феълларининг локалис

¹ Кибардина С.Б. Категория субъекта, объекта и теория валентности / Категория субъекта и объекта в языках различных типов. – Л, 1982. – С.30.

² Нурмонов А., Махмудов Н., ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси. – Тошкент: Фан, 1992. – Б.42.

³ Миртожиев М.М. Ўзбек тилидаги феъл валентликлари. – Тошкент, 2007. – Б. 8.

актанти ўрин-жой бўлади. Масалан: *Отасининг бу сўзлари унинг истиқболи учун яхши таъминотлар берар, гўё мажбурият остида ота насиҳатини қулоқга олдиргандек бўйин эгиб ўтирар эди.* (А.Қодирий. “Ўтган кунлар”) *Ойим, опам, поччам гангур-гунгур суҳбатлашиб ўтиришибди.* (Ў.Ҳошимов. “Дунёнинг ишлари”)

Мавжуд адабиётларда ўрин валентлигини намоён қиладиган сўз гапда, асосан, ўрин келишигида келиши табиийдир, деб таъкидланади. Ҳолат ва ҳаракат феълларида локалис валентлиги намоён этувчи сўз формасидан бошқача тарзда ҳам шакллангани кузатилади. Айрим вазиятларда –га ва –дан келишиқ қўшимчалари ҳам ҳаракат феъллари ўрин валентлиги актантига қўшилиб келиши мумкин¹.

Феъллар локал валентликка муносабатига кўра тернер оппозицияга киришади: **1) локал валентликка эга бўлган феъллар; 2) локал валентликка эга бўлмаган феъллар; 3) бундай белгига нейтрал бўлган феъллар.**

Юқоридаги зидланишда биринчи ва иккинчи гуруҳдаги феъллар ўзаро приватив зидланади. Зидланишнинг биринчи аъзоси белгига эга бўлган кучли аъзо бўлса, иккинчи аъзо белгига эга бўлмаган кучсиз аъзо саналади. Учинчи гуруҳдаги феъллар эса оралиқ ҳолатни эгаллайди ва локал валентлик белгисига кўра зидланишнинг икки кутбида турувчи ҳар икки зидланувчи аъзонинг белгиларини ўзида бирлаштиради. Шунинг учун улар синкретик табиатга эга бўлади.

Феълларнинг локал валентлигини воқелантирувчи актантларда ўрин семаси мавжуд бўлиши билан бирга, бундай валентликка эга бўлган феълларнинг ўзида ҳам локал сема иштирок этади. Натижада феъл ва унинг актантлари ўртасида семантик уйғунлик бўлади. Ана шу семантик уйғунлик феъл ва актант ўртасидаги семантик муносабатнинг юзага чиқиши учун имконият яратади. Кўринадики, валентлик тилшунослар ўртасида тортишувли мавзу бўлиб, ўзбек тилшунослигида ҳам қатор олимлар томонидан ўрганилган.

Тўртинчи қисмнинг **“Йўналма ҳаракат феълларининг ўрин валентлиги”** деб номланувчи навбатдаги бўлимида локал ЙҲФга хос хусусиятлар баён этилган.

Йўналма ҳаракат феълларидан бўлган **бормоқ, келмоқ, қочмоқ, қайтмоқ, кечмоқ, эргашимоқ, кезмоқ, юрмоқ** кабиларнинг агенс актанти шахс бўлади. Йўналма ҳаракат феъли предикат бўлиб келар экан, унинг агенси эга билан мутаносиб бўлади. Агенс бирор томонга йўналган ҳаракатнинг аниқ бажарувчисини англатади. Йўналма ҳаракатнинг агенс валенти яна йўналма ҳаракат қила оладиган жонивор, транспортни ифодаловчи сўзлар воситасида ҳам намоён бўлади.

Йўналма ҳаракат феълларида ўрин валентлиги ҳам зарурий валентлик ҳисобланади. Локаллик актанти йўналма ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини

¹ Муҳаммедова С. Ўзбек тилида ҳаракат феълларининг семантикаси ва валентлиги. – Тошкент: Фан, 2005. – Б. 98.

билдиради. Йўналма ҳаракат феълларидан олдинги сўз **-да, -га, -дан** келишик кўшимчалари билан ҳам келиши мумкин. Бу кўшимчалар асосан кўмакчиларга қўшилганда ўрин маъносини англатади. Демак, йўналма ҳаракат феъллари ҳам синтетик, ҳам аналитик шаклдаги нутқ бирликларида ҳам ўз ифодасини топади. **Қараб, томон, қариш, асосан** каби кўмакчилар ҳаракатнинг қаерга йўналганлигини кўрсатади.

Иккинчи бобнинг “**Локализация муносабатлари**” деб номланувчи бешинчи қисмида мазмуний синтагматик муносабат турларида ҳам ўринга муносабат ифодаланиши таҳлил этилган:

а) атрибутив муносабат: Бунда аниқловчи вазифасидаги сўз билан аниқланмиш вазифасидаги сўз алоқага киришади (сифатловчи-сифатланмиш муносабати): *ердаги майдон, осмондаги юлдузлар, чўлдаги ер;*

б) объектли муносабат: Бунда тўлдирувчи вазифасидаги сўз билан тўлдирилмиш вазифасидаги сўз алоқага киришади (тўлдирувчи-тўлдирилмиш). Локал муносабатни юзага келтиришда ўрин семали феъллар фаол иштирок этади: *шаҳарни айланмоқ, уйни кўрмоқ, ерни чопмоқ* каби.

Ўзбек тилида локал феъллар таркибига *бормоқ, келмоқ, жўнамоқ, кетмоқ, санчмоқ, босмоқ, сепмоқ, ўтирмоқ* кабилар киради.

Локаллашган феъллар объектли ва релятив муносабатли бирикмалар ҳосил қилишда фаол иштирок этади ва уларда ўрин маънолари ўзига хос йўсинларда ифодаланади;

в) релятив муносабат: (ҳолли муносабат). Бунда ҳол вазифасидаги сўз билан ҳолланмиш вазифасидаги сўз алоқага киришади.

Локал муносабат бор жойда локал алоқа ҳам мавжуд бўлади, лекин локал муносабатнинг бир тури локал алоқанинг айнан бир турига тўғри келмаслиги мумкин.

Иккинчи бобнинг олтинчи қисми “**Локализация ва объектли муносабатда марказий ва чегара семалар**” деб номланади. Унда локумлар муносабати ҳақида сўз боради.

Локал битишув алоқасида марказий сема ‘макон’, ‘йўналиш’, ‘ҳаракат’ бўлса, унинг атрофидаги узвларда маконнинг ҳолати, йўналиш томонлари, бажарилган ёки бажарилмаган ҳаракатлар ифодаланади.

Масалан: *кенг дала, бепоён йўл, тор кўча, текис майдон* каби бирикмаларда маконга хос белгилар ифодаланади; *олга юрмоқ, ичкари кирмоқ, олисдан келмоқ, пастга жойлашмоқ, ёнида ўтирмоқ* каби бирикмаларда ҳаракат йўналишига ишора берилади.

‘Локал’ семали феълларнинг барчаси ўрин валентлигига эга. Феълларнинг ўрин валентлиги асосан ‘локал’ семали кўмакчилар ва локал белгига эга бўлган келишиклар шакли: **-да, -га, -дан** орқали намоён бўлади.

Иккинчит бобнинг еттинчи қисми “**Локализация муносабатини ифодаловчи қурилмаларда локумнинг синтактик функцияси**” деб номланади, унда синтактик бирликлар ва унинг турлари ҳақида сўз боради. Синтактик бирликлар иккига: облигатор (мажбурий) ва маргинал (чегара) локал семали синтактик бирликларга бўлинади.

Облигатор локал семали синтактик бирликка ўрин ҳолини киритиш мумкин. Ўрин ҳоли ўрин равиши, жой номини билдирувчи от ва ўрин-жойга ишора қилувчи олмош билан ифодаланади. Масалан: *Болалик уйда гийбат йўқ.* (Мақол) *Катта арава қаердан юрса, кичик арава ҳам шу ердан юради.* (Мақол)

Маргинал локал семали синтактик бирликларга кесим, эга тўлдирувчи, аниқловчи вазифасидаги локал семали синтактик бирликлар киради.

Учинчи боб “**Қўшма гап қисмларида локализация муносабати**” деб номланади. Унинг биринчи қисми “**Эргаш гапли қўшма гапларда локализация муносабати**” дир.

Локализация муносабати бирикмалар орқалигина эмас, балки гаплар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Бунда асосан эргаш гапли қўшма гаплар назарда тутилади.

Эргаш гапли қўшма гапларни семантик нуқтаи назаридан локализация муносабатини ифодалаш-ифодаламаслик белгисига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: 1) локализация муносабатини ифодаловчи эргаш гапли қўшма гаплар; 2) локализация муносабатини ифодаламайдиган эргаш гапли қўшма гаплар.

Биринчи гуруҳга мансуб бўлган эргаш гапли қўшма гапларнинг ўзи икки гуруҳга бўлинади: 1) **облигатор локал семали эргаш гаплар**; 2) **маргинал локал семали эргаш гаплар**. Облигатор локал семали эргаш гапларга ўрин эргаш гапли қўшма гаплар киради. Буларнинг синтактик вазифаси билан семантик мазмуни бир-бирига мос келади.

Учинчи боб биринчи қисмининг “**Облигатор эргаш гапли қўшма гапларда локативлик**” деб номланувчи бўлимида локализация муносабати марказига **ўрин эргаш гапли қўшма гап** қўйилган.

Ўрин эргаш гаплар, одатда, бош гапдан олдин келиб, кесими шарт феъли шаклида бўлади. Бундан ташқари, бош ва эргаш гаплар таркибида ҳол вазифасида келган қуйидагича боғловчи вазифасидаги олмошлар иштирок этади: эргаш гап таркибида **қаерда (қаердаки)** олмоши, бош гап таркибида эса **шу ерда, шу ёқда, ўша ерда, у ерда** каби равишлар мавжуд бўлиб, улар бош ва эргаш гапларни боғлаш учун хизмат қилади. Бундай олмошлар билан боғланган эргаш гаплар бош гапнинг кесимидан англашилган ҳаракат, ҳолат, белги-хусусиятнинг юзага чиқиш ёки чиқмаслик ўрнини кўрсатади: *Катта кема қаёққа юрса, кичик кема шу ёққа юради.* (Мақол)

Локализация муносабатини ўрин эргаш гапли қўшма гапларда жуда кўплаб учратиш мумкин. Улар локал маъноларни ифодаловчи бош ва эргаш гаплардан иборат бўлиб, **ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, чиқиш нуқтаси ва йўналиш томонлари** ифодаланади. Бундай гаплар интеграл ўрин маъноси билан бирлашса, ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатлари билан дифференциалланади.

Учинчи боб биринчи қисмининг “**Маргинал локал семали эргаш гапли қўшма гаплар**” деб номланувчи иккинчи қисмида кесим, эга, тўлдирувчи, аниқловчи эргаш гапли қўшма гаплардаги локализация муносабати ҳақида фикр юритилади.

Маргинал локал семали эргаш гапли кўшма гапларга ўрин эргаш гаплардан бошқа эргаш гапли кўшма гаплар киритилади. Масалан: *Қаерда тинчлик бўлса, ўша ер обод бўлади*. Бундай семали эргаш гаплар сифатида эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи эргаш гаплар таҳлил этилади ва унда маргинал ўрин семалар аниқланади.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Инсон ўзини қуршаб турган оламни турли усуллар ёрдамида турлича акс эттиради. Натижада жамият онгида оламнинг турлича манзараси пайдо бўлади. Оламнинг диний манзараси (ОДМ), оламнинг афсонавий манзараси (ОАМ), оламнинг бадиий манзараси (ОБМ), оламнинг илмий манзараси (ОИМ), оламнинг лисоний манзараси (ОЛМ) ана шулар жумласидандир.

ОЛМда локумлар алоҳида парадигмани ташкил этади.

2. Локум ўзбек тили лексик системасининг узвий бир бўлаги бўлиб, хилма-хил туркумга мансуб бирликларни ўз ичига олади. Демак, локум – ‘локаллик’ семаси асосида бир парадигмага бирлашган турли туркумга мансуб гетероген бирликлар мажмуасидир. Локумлар ўртасидаги парадигматик ва локум билан бошқа сўзлар ўртасидаги синтагматик муносабат локализация муносабати саналади. Локум фақат локал семали лексемаларнигина эмас, балки локал семали синтактик бирликларни ҳам ўз ичига олади.

3. Синтагматик локализация муносабатида бу муносабатни юзага чиқарувчи махсус лисоний воситалар хизмат қилади. Бу воситалар фақат грамматик шаклларнигина эмас, балки лексик бирликларни ҳам ўз ичига олади.

4. Локализация муносабатини юзага чиқариш учун хизмат қилувчи айрим лисоний воситалар локум билан ҳаракат-ҳолат, белги-хусусиятни билдирувчи лексемалар ўртасидаги грамматик-семантик боғланишни таъминлаш билан бирга, локум билан боғлиқ кўшимча маъноларни ҳам ифодалайди (локум ҳажмини тўла қоплаш, қисман тегишли бўлиш, локум чегарасига тегишли бўлиш, локумнинг квантитативлик белгисини кўрсатиш ва бошқалар).

5. Синтагматик локализация муносабатига киришаётган лингвистик бирликлар мазмуний мундарижасида ‘локаллик’ семаси мавжуд бўлади. Синтагматик муносабатга киришаётган бирликларнинг ҳар бирида такрорланувчи ана шу итератив (такрор) сема уларнинг синтактик алоқасини, семантик уйғунлигини таъминлашда хизмат қилади.

6. Содда гап доирасида синтагматик локализация муносабати предикатнинг ўрин валентлигини конкрет лексик воситалар ёрдамида тўлдириш натижасида, кўшма гап доирасида эса бош гапнинг ўрин валентлигини конкрет жумлалар ёрдамида тўлдириш натижасида юзага чиқади. Шунинг учун локализация муносабати фақат содда гап қисмларининг ўзаро тобе муносабатинигина эмас, балки кўшма гап қисмлари ўртасидаги тобе муносабатни ҳам ўз ичига олади.

7. Предикатлар локал семага эга бўлиш ёки бўлмаслик нуктаи назаридан маркерланган (белгига эга бўлган) ва маркерланмаган (белгига эга бўлмаган) ёки белгига нейтрал (бетараф) бўлган) аъзоларнинг приватив зидланиши бир бутунлигидан ташкил топади. Бу белгига кўра маркерланган аъзоларнинг ўзи ‘локаллик’ семасининг семантик структурада эгаллаган мавқеига кўра марказий ва чегара локал семали предикатларга бўлинади. Марказий локал семали предикат (локум)ларда ана шу сема асосида локализация муносабати юзага келади.

8. Локализация муносабатида бўлган икки аъзонинг бири етакчи, иккинчиси эса тобе позицияни эгаллайди. Тобе позициядаги аъзо локум ҳисобланади ва етакчи аъзонинг локал валентлигини воқелантириш учун хизмат қилади.

Содда гап доирасида тобе вазиятдаги аъзо ўрин ҳоли вазифаси учун хосланган бўлса ҳам, лекин фақат шу синтактик позиция билан чекланмайди. Локум ўрин ҳоли позициясида келиши билан бирга, бошқа барча синтактик позицияларда кела олади.

Локум ўрин ҳоли позициясида келганда, унинг семантикаси билан синтактик позицияси ўртасида мутаносиблик бўлса, бошқа синтактик позицияларни эгаллаганда семантик-синтактик номутаносиблик кўзга ташланади.

9. Локализация муносабатини ифодаловчи қурилмаларда локум турли синтактик функцияни бажаради. Бу жиҳатдан синтактик бирликларни облигатор ва маргинал локал семали синтактик бирликларга бўлиш мумкин. Облигатор (мажбурий) локал семали синтактик бирликка ўрин ҳолини, маргинал (чегара) локал семали синтактик бирликларга кесим, эга, тўлдирувчи, аниқловчиларни киритиш мумкин.

10. Қўшма гап доирасида тобе позицияни эгаллаган локум ўрин эргаш гап позицияси билангина чегараланмайди. Бошқа эргаш гаплар ҳам ‘локаллик’ семасига эга бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан эргаш гаплар ҳам ўзаро приватив зидланишни ташкил қилади: локал семага эга бўлган ва эга бўлмаган эргаш гапларга бўлинади. Сабаб, натижа сингари эргаш гаплар белгисиз аъзони ташкил қилади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Эргашова М. Ўзбек тилида локаллик ва майдон / Единицы уровней и межуровневых ярусов структуры языка на синтагматической осе высказывания и их презентация в студенческой аудитории. – Коканд, 2004. – С. 27-28.

2. Эргашова М. Ўзбек тилида локаллик / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари. – Фарғона, 2005. – Б.53-55.

3. Эргашова М. Локаллик ва унинг тилда акс этиши / Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. –Тошкент: Фан, 2005. – Б.140-142.

4. Эргашова М. Ўзбек тилида макон муносабатли бирикмалар / Ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммолари атомар тадқиқ аспектида. –Қўқон, 2006. – Б.80-86.
5. Эргашова М. Ўзбек тилида от ясовчи локал аффикслар / Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари. –Наманган, 2006.– Б.292-293.
6. Эргашова М. Ўзбек тилида макон маъноларининг ифодаланиши, локал ясовчи аффикслар / Фан, таълим, жамият. –Андижон, 2006. – Б.67-68.
7. Эргашова М. Сўз ясалиш сатҳида локалликнинг ифодаланиши / Умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ҳамда педагогика институтларида ўзбек тили ва адабиёти фанларини ўқитишнинг долзарб муаммолари. –Қўқон, 2006.– Б.139-140.
8. Эргашова М. Ҳозирги ва эски ўзбек тиллари сўз шаклида локал семалар / Илмий педагогик изланишлар. 1-китоб. –Тошкент: Фан, 2007. – Б.22-24.
9. Эргашова М. Лексик-семантик майдон локаллик аспектида / Тил ва адабиёт ўқитишнинг долзарб муаммолари. –Тошкент: Фан, 2008.– Б.134-138.
10. Эргашова М. Ўзбек тилида ўрин билдирувчи равишлар / Илмий педагогик изланишлар. 2-китоб. –Тошкент: Фан, 2008. – Б.93-97.
11. Эргашова М. Ўзбек тилида жонзотларга оид локатив лексемалар // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. – №3. – Б.72-74.
12. Эргашова М. Локал валентликнинг воқеланишида семик уйғунлик // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2009. – №3. – Б.48-51.
13. Эргашова М. Ўзбек тилида феъл валентлиги ва унинг ўрганилиши / Таълим ва технология. 1-қисм. – Тошкент: Фан, 2009. –Б. 116-119.
14. Эргашова М. Локализация муносабатини ифодаловчи воситалар / Олий таълим муаммолари. 1-қисм. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2010. –Б. 74-78.
15. Эргашова М. Европа тилшунослигида валентлик назариясининг ўрганилиши / Талабаларнинг илмий ижодий фаолиятини ташкил этиш: муаммо ва ечимлар. 2-жилд. – Қўқон: Фарғона, 2010. –Б. 123-127.
16. Эргашова М. Ўрин билдирувчи сўзларнинг кесим, эга, ундалма вазифасида келиши / Талабаларнинг илмий ижодий фаолиятини ташкил этиш: муаммо ва ечимлар. 2-жилд. – Қўқон: Фарғона, 2010. –Б. 142-146.
17. Эргашова М. Локализация муносабатида грамматик шаклларнинг ўрни ва локумдош муносабат / Ўзбек тилининг долзарб муаммолари. – Андижон, 2010. – Б. 104-105.
18. Эргашова М. Эргаш гапли қўшма гапларда локализация / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. 4-қисм. – Тошкент: Низомий номидаги ТДПУ, 2010. – Б. 131-133.
19. Ergashova M. Özbek dilinde lokalizasyon münasebeti // Güncel sanat / kültür sanat edebiyat dergisi. – Antalya. 2011. – №3. – S. 36-37.

**Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор
Эргашова Мухайё Валижоновнанинг 10.02.01 – Ўзбек тили ихтисослиги
бўйича “Ўзбек тилида локум ва локализация муносабати” мавзuidaги
диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч сўзлар: локум, локализация, парадигматика, синтагматика, локал валентлик, облигатор, маргинал, зидлаш, квантитативлик, градуонимия, агенс, локалис, объект.

Тадқиқот объектлари: ҳозирги ўзбек бадиий адабиёти, вақтли матбуот тилидан ҳамда 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” дан фойдаланилди.

Ишнинг мақсади: ўзбек тилида лисоний бирликлар ўртасидаги макон муносабатини ёритиш. Бу муносабатни юзага чиқарувчи воситаларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқот методлари: систем-структур, узвий таҳлил, зидлаш(оппозиция), дистрибуция, таснифлаш, трансформация.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: тадқиқотда қуйидаги янгиликлар қўлга киритилди:

- синтагматик муносабатни юзага чиқаришда ‘макон’ семасининг роли белгиланди;
- локум ва локализация муносабати тушунчси ўзбек тилшунослигига олиб кирилди;
- ўзбек тилида локум ва локализация муносабатини юзага чиқарувчи воситалар аниқланди;
- локализация муносабатини юзага чиқарувчи воситалар дистрибуцияси аниқланди;
- ўзаро дистрибутив муносабатда бўлган локумларнинг мазмуний фарқли жиҳатлари ёритилди.

Амалий аҳамияти: тадқиқот хулосалари ва материаллари дарслик ва қўлланмалар яратишда, олий ўқув юртларининг филология факультетлари талабаларига тилнинг системавий табиати билан боғлиқ махсус курс ва семинарлар ташкил этишда манба сифатида хизмат қилади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот материаллари асосида 19 дан ортиқ илмий мақола, ахборотлар илмий журнал ва турли тўпламларда эълон қилинган. Республика илмий анжуманларида маърузалар қилиниб, улар тўпламларда нашр этилган.

Қўлланилиш соҳаси: таълим жараёни, ҳозирги замон ўзбек тили, тилшунослик назарияси.

РЕЗЮМЕ

кандидатской диссертации Эргашовой Мухайё Валижановной на тему «Отношения локуса и локализация в узбекском языке» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.01 – Узбекский язык

Ключевые слова: локус, локализация, парадигматика, синтагматика, локальная валентность, облигатор, маргинал, тринарная оппозиция, квантитативность, градация, агенс, локалис, объект.

Объекты исследования: язык современной узбекской художественной литературы и периодической печати, пятитомный «Толковый словарь узбекского языка».

Цель работы: раскрытие пространственных отношений между лингвистическими единицами узбекского языка. Определение средств реализующих пространственные отношения.

Методы исследования: системно-структурный, компонентный анализ, оппозиция, дистрибуция, классификация, трансформация.

Полученные результаты и их новизна: научную новизну исследования составляет следующее:

- обозначена роль семы «пространство» в осуществлении синтагматических отношений;
- в узбекском языкознании введены понятия отношений локуса и локализации;
- определены средства, порождающие локализационные отношения в узбекском языке;
- определена дистрибуция средств, выявляющие локализационное отношение;
- освещены семантические различия локусов, находящиеся в дистрибутивном отношении.

Практическая значимость: результаты и материалы исследования служат источником в создании учебников и пособий, проведении специальных курсов и семинаров, посвященных системному изучению языка для филологических факультетов высших учебных заведений.

Степень внедрения и экономическая эффективность: по теме диссертации опубликовано более 19 научных статей и сделаны сообщения на республиканских и межвузовских научно-практических конференциях в виде докладов, опубликованы материалы и тезисы в научных сборниках и журналах.

Область применения: процесс обучения, современный узбекский литературный язык, теория языкознания.

RESUME

Thesis of Ergashova Mukhaye Validjanovna on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in Philology, specialty 10.02.01-Uzbek Language, on the subject “The Relation of locus and localization in Uzbek Language”

Key words: locus, localization, paradigm, syntagmatics, local valency, obligator, marginal, trinary opposition, quantitateness, gradation, agent, locales, object.

Subjects of research: the literary language of modern Uzbek literature and periodical press, the five-volume “The Defining Dictionary of the Uzbek Language”.

Purpose of work: revealing the spatial relationships among the linguistic units in Uzbek. Defining the means realizing these spatial relationships.

Methods of research: systematic-and-structural method, the methods of componential analysis, of opposition, of distribution, of classification and of transformation.

The results obtained and their novelty: the scientific novelty of the research is represented by the following:

- the role of the sema of ‘space’ in actualizing syntagmatic relations has been designated;
- the notions of ‘locus’ and ‘localization’ have been introduced into study of Uzbek language;
- the means generated localization relations have been defined;
- the distribution of means revealing localization relations has been found out;
- the semantic differences of loci being in distributional relations have been illuminated.

Practical value: the dissertation results and materials serve as a source in writing textbooks and educational books; in organizing special lecture-courses and seminars intended to systematic studying the language for philology faculties of the higher educational institutions.

Degree of embed and economic effectivity: more than 19 scientific articles based on dissertational materials were published and stated at presentation format at republican, inter-university scientific and practical conferences; materials and abstract were published in academic collected books and magazines.

Field of application: process of education, modern Uzbek literary language, the theory of linguistics.